

ВАТАН УЧУН, МИЛЛАТ УЧУН, ХАЛҚ УЧУН!

2020 йил 25 январдан чиқа бошлаган

ЯНГИ

Ижтимоий-сиёсий газета

Миллий тикланишдан — миллий юксалиш сари

ЎЗБЕКИСТОН

№ 150 (1476), 2025 йил 24 июль, пайшанба



www.yuz.uz



yuz.uznews



yuz_official



ИШ УСЛУБИ ЎЗГАРИБ, ТИЗИМГА СУНЪИЙ ИНТЕЛЛЕКТ ЖОРИЙ ҚИЛИНАДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 23 июль куни
Хисоб палатасининг фаолияти ҳамда ижро
тизимини такомиллаштириш чора-тадбирларига оид
тақдимот билан танишди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 10 июлдаги “Бюджет маблағларидан фойдаланиш устидан молиявий назоратни кучайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармониغا мувофиқ, Хисоб палатасининг иш услуби ўзгарди, унинг ваколатлари кенгайтирилди. Эскича текширувлардан воз кечилиб, молиявий, мувофиқлик, самарадорлик ва стратегик аудит тизими жорий қилинди.

Эндиликда бу палата фақат назорат қилувчи эмас, балки бюджет интизомига қўмаклашувчи ҳамкор идорадир. Шу боис, асосий эътибор молиявий интизом бўзилишининг олдини олиш, бунинг омилларини таҳлил қилишга қаратилмоқда.

Масалан, бу йил 6 ойда ўтказилган аудит тадбирлари натижасида 5 триллион 600 миллиард сўм самарасиз бюджет харажатлари қисқартирилган, бюджетга 5 триллион сўм қўшимча тушум имконияти аниқланган.

Мамлакатимиз иқтисодиёти изчил ўсиб бормоқда. Бу, ўз навбатида, молиявий назорат қўламини ва иш ҳажмини ҳам оширади. Бунга қўмраб олишнинг самарали йўли — рақамлаштириш. Шу мақсадда “Масофавий аудит” ахборот тизими ишга туширилган. Ҳозиргача у орқали 4 триллион сўмлик камчиликлар бартараф этилган.

Тақдимотда энди тизимга сунъий интеллектни жорий қилиб, камчиликларни келтириб чиқараётган омилларни бартараф этиш вазифаси қўйилди.

Ўтган йили 12 та вазирликда молиявий назорат бўйича ташкил қилинган ситуацион марказларнинг кўрсаткичлари қайд этилиб, бу тизим жорий йилда яна 10 та вазирлик ва идорага кенгайтирилиши белгиланди. Шу билан бирга,

бюджет ташкилотларида ички аудит ва ички назорат тизимларини такомиллаштириб, Хисоб палатаси билан ахборот алмашувини кучайтириш бўйича топшириқ берилди.

Президент фармонида асосан, давлат аудити халқаро стандартлар даражасига чиқарилмоқда. Хисоб палатаси ходимлари бир йил давомида халқаро аудиторлар билан биргаликда ишлаб, тажриба тўплади. Натижада ташқи ҳисобидан бўлаётган лойиҳалар халқаро мезонлар асосида аудитдан ўтказилмоқда. Бундай тартибни лойиҳаларнинг илк босқичларидан бошлаш муҳимлиги кўрсатиб ўтилди.

Шу йил 16 июнь куни ислохотлар натижадорлиги таҳлили бўйича ўтказилган видеосектор йиғилишида Хисоб палатасига “Халқ назорати” платформасини барча ҳудудларда йўлга қўйиш топширилган эди. Тақдимотда мутасаддилар бу борада бошланган ишлар ва зарур чора-тадбирлар тўғрисида ахборот берди.

Бу тизим орқали қурилиш, инфратузилма, коммунал хизматлар, энергия таъминоти, транспорт, йўл, экология каби соҳалардаги муаммолар бўйича хабар берилади. Уларни ҳал қилиш учун порталга барча вазирлик, идора ва ҳокимликлар уланади.

Ҳозирги кунда бу дастурни сунъий интеллект асосида такомиллаштириш, вертикал назорат тизимини йўлга қўйиш, колл-марказлар ташкил этиш бўйича ишлар олиб боришмоқда.

Давлатимиз раҳбари мутасаддиларга ижро интизомини мустаҳкамлаш, бюджет маблағларидан мақсадли фойдаланиш ва тежамкорликни таъминлаш бўйича кўрсатмалар берди.



Буюк ўзбек йўли

МИНГДАН МИЛЛИОНГА АЙЛАНАЁТГАН ҚУВВАТ

ЁХУД УЧИНЧИ РЕНЕССАНСНИ БАРПО ҚИЛАЁТГАН ФИДОЙИЛАР

Замонавий дунё бугунги кунда тараққиётнинг мисли қўрилмаган зиддиятли палласига киргани, жамиятларнинг кечаги мувозанати бугунга тўғри келмай қолаётгани ҳақида бот-бот бонг урилмоқда. Турли мамлакатларнинг кишилари тонгни “Энди нима бўлади?” деган хавотир билан қарши олаётгани рост. “Дунё ўзгариб кетди, биз билган дунё қолмади!” дейишмоқда одамлар.

Давоми 3-бетда

Ўзбекистондан “Янги Ўзбекистон” гача: ЙЎҚОТИЛГАН ҚАЛЪНИ ИЗЛАБ...



Германиялик сиёсий шарҳловчи, “Berliner Zeitung” нашри Геосиёсат бўлими раҳбари Томас Фасбендернинг сиёсатшунос Қудратилла Рафиқов билан суҳбати

Бундан бир муддат олдин Германиянинг нуфузли “Berliner Zeitung” нашри сиёсий шарҳловчиси, нашр Геосиёсат бўлими раҳбари Томас Фасбендернинг сиёсатшунос Қудратилла Рафиқов билан суҳбатини эълон қилганди.

Мамлакатимизнинг яқин ўтмиши, бугуни, келажаги ва минтақадаги сиёсий эврилишлар тўғрисида мулоҳаза юритилган “Ўзбекистондан “Янги Ўзбекистон” гача: йўқотилган қалъни излаб...” сарлавҳали ушбу мақола ўз вақтида ўзбек тилига ўгирилиб, эълон қилинганди. Мазмун-моҳияти,

қўтарилган масалаларнинг долзарблиги, қолаверса, Президентимизнинг сиёсий иродаси, халқпарвар ва миллатпарвар сиёсати, шунингдек, минтақа микросиёсатидаги ташаббуслари ва ёрқин натижалари асосли фактлар, далиллар орқали равон тилда шарҳлангани учун ҳам айни суҳбат ҳеч маҳал ўз долзарблигини йўқотмайди деб ўйлаймиз.

Шу боис, бугун ўқувчиларимизга икки сиёсатшунос ўртасида кечган музоҳабани улашишни лозим топдик.

Давоми 4-5-бетларда

5 ТАШАББУС — ЭЗГУ ҲОЯ

Ҳар бир миллат келажак авлодда қомилликни кўришни орзу қилади. Шу боис, бугунги кунда юртимизда замонавий билим ва қўникмаларга эга, мамлакатнинг муносиб келажаги учун жавобгарликни ўз зиммасига ола биладиган, интилувчан ва серғайрат ёшларни тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Турли зиддиятлар кучайиб бораётган бугунги дунё манзараларида ёшларимизнинг маънавий иммунитетини кучайтириш, уларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш ҳар қачонгидан ҳам долзарброқ эканини замоннинг ўзи кўрсатиб турибди.



АМАЛИЙ НАТИЖАЛАР БЕРАЁТГАН УЛКАН ИМКОНИАТЛАР

Давлатимиз раҳбари томонидан 2019 йилда ижтимоий, маънавий-маърифий соҳалардаги ишларни янги тизим асосида йўлга қўйиш бўйича илгари сурилган 5 та муҳим ташаббус доирасида ёшларга эътиборни кучайтириш, ёш авлодни маданият, санъат, жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш, уларда ахборот техно-

логияларидан тўғри фойдаланиш қўникмасини шакллантириш, ёшлар ўртасида китобхонликни тарғиб қилиш, хотин-қизлар бандлигини таъминлаш масалалари юзасидан муҳим ва жиддий вазифалар ижросига киришилди.

Давоми 8-бетда

Сурур ва ғурур

ТОПГАН ТОЖУ ДАВЛАТИНГ АБАДИЙ ПОЙДОР БЎЛСИН

Мен бир шеърлар бошладим — тонглар тонготар бўлсин,
Бошлаган ҳар бир шеърим элимга мадор бўлсин,
Топган тожу давлатинг абадий пойдор бўлсин,
Давлатингни қўтлашга давлатлар қатор бўлсин,
Янги Ўзбекистонга омад доим ёр бўлсин!

Тўлиб-тошиб қуйласам сел бўлди қўнғилларим,
Шеъримнинг дарёсига тор келди соҳилларим,
Жўшқин соғинчларимга жўр бўлди сингилларим,
Элим бахтиёр бўлсин, юртим барқарор бўлсин,
Янги Ўзбекистонга омад доим ёр бўлсин!

Шеърлар айта бошласам авж, баланд пардаларда,
Минг-минг ўғил-қизларим қўзғалди парталарда.
Шу жоним садқалар-да, шу жоним садқалар-да!
Янги мактабларингга бор-будим нисор бўлсин,
Янги Ўзбекистонга омад доим ёр бўлсин!

Мен эски замонлардан айтмайман, деб қасд қилдим,
Ҳам қўхна армонларга қайтмайман, деб қасд қилдим.
Шу шеъримда мен шу гал шу ишларни лафз қилдим.
Замон — дорилмондир, мангу навбаҳор бўлсин,
Янги Ўзбекистонга омад доим ёр бўлсин!

Бўлар элнинг боласи ўзи маълум бергайдир,
Юз минг ўсмир дастурчи илму улум бергайдир,
Мендай юз минг шoirига бари таълим бергайдир.
Замонангдан айланай, жидду жаҳдинг бор бўлсин,
Янги Ўзбекистонга омад доим ёр бўлсин!

Гарвардда ўқийсанми ёки Кембриждами,
Яқиндаги хорижми ё йироқ хориждами,
Сайру гаштлар айласанг Париж ё Форишдами —
Қайда бўлсанг ҳам илминг элинга даркор бўлсин,
Янги Ўзбекистонга омад доим ёр бўлсин!

Биз шиддатли замонда давронни ўзгартирдик,
Замон бизни, биз эса замонни ўзгартирдик,
Энг аввало, биз инсон, инсонни ўзгартирдик,
Ўзгарганинг миллатга гурур бўлсин, ор бўлсин,
Янги Ўзбекистонга омад доим ёр бўлсин!

Янги Ўзбекистон бу — Ватан танҳо Ватандир,
Инглизча сўйласам гар “New Uzbekistan” дир.
Довругинг бутун бутун оламга таралгандир,
Душманларинг абғору дўстларинг бисёр бўлсин,
Янги Ўзбекистонга омад доим ёр бўлсин!

Шу давру давронимга мен битсам қасидалар,
Дарров босиб чиқарди чап-чаққон газеталар.
Унча-мунча лашкар ҳам бизларга ҳасад қилар,
Газетким, аскар каби доим тап-тайёр бўлсин,
“Янги Ўзбекистон”га омад доим ёр бўлсин!

Бизда Ватан бошлангай ҳар уй, ҳар хонадондан,
“Отажон”, “Онажон”дан, жондан-да жонажондан.
Токи уруш-низолар кетсин, деб бу жаҳондан,
Тинч бўлсин, деб бу олам сарқору сардор бўлсин,
Янги Ўзбекистонга омад доим ёр бўлсин!

Трансчегаравийдир бизда эзгу сиёсат,
Салкам қирқ милёнли халқ шу мақсадга қафолат.
Душ тургунча турсин шу давлат соғ-саломат,
Топган тожу давлатинг устувор, пойдор бўлсин,
Янги Ўзбекистонга омад доим ёр бўлсин!

Мухтарам Президент, Жаноби Олийлари,
Сиздан розидир минг-минг ўзбек оилалари.
Шахру кенту қишлоқлар — воҳона водийлари —
Элни қўриб ҳар дилда фахру ифтихор бўлсин,
Янги Ўзбекистонга омад доим ёр бўлсин!

Сирожиiddин САЙИД,
Ўзбекистон халқ шоири



Ислохотлар самараси



Асрий орзуларга
куч бераётган замон нафаси

Бу галги суҳбатимиз Учинчи Ренессанс пойдеворини қўйиш, халқимизнинг янги Ўзбекистонни барпо этиш ғояси атрофида бирлашиши ҳақида бўлди. Ҳамкасблар билан мақола мавзуларини муҳокама қилаётиб, беихтиёр гап равиши суҳбат-мақола йўсинига тортиб кетди. Шу боис, бугунги давра суҳбатимиз битта мавзуда эмас, мантиқан бир-бирини тўлдирадиган муайян йўналиш, соҳалар ҳақида кечди.

Сарвар ТўРАЕВ,
Сурхондарё вилояти:

— Давлатимиз раҳбари 2016 йил 20 сентябрь куни Ангрен шаҳрига ташириб буюриб, илк бор мактабга таълим ташкилотига борган ва **фарзандларимиз таълим-тарбияси билан жиддий шуғулланишимиз кераклиги, тизимни тубдан янгилаш зарурлиги, ота-оналарнинг кўп йиллик орзу-армонларини рўёга чиқариш ҳаёт-мамат масаласи экани**ни қуноиб гапирганди. Ўйлаб кўрсам, янги Ўзбекистонни бунёд этиш ишлари ўша пайтдаёқ бошланган экан.

Тарихдан аёнки, фақат марказлар-дагина эмас, юртинг энг чекка ҳудудларигача илм-маърифат, маданият ва санъат кириб бурса, одамларнинг дунёқараши кенгайса, ватан ҳақидаги тушунчалар кўнгилларда собитили қилса, мамлакат чинакамига ривожланиб, Аввал илм-маърифат маркази дея фақат Тошкент шаҳри кўриларди. Шу боис, барча пойтахтда олий таълим олишга интиларди. Бугун бундай қарашлар ўзгарди. Жамиятдаги қарашларни ўзгартиш учун жиддий ислохотлар бўлиши керак. Сурхондарё мисолида айтсак, қисқа вақтда Термиз илм-фан ва маданият, таълим марказларидан бирига айланди. Масалан, **вилоятда ўтган асп-нинг 60-йилларидаги токи 2017 йилга қадар биттагина олийгоҳ — Термиз давлат университети бор эди. Сўнгги 7 йилда уларнинг сони 5 тадан ошди.** Денов тадбиркорлик ва педагогика ин-титути мисолида олис туманларга ҳам олий таълим кириб борганини эътироф этиш керак. Тошкент тиббиёт академия-сининг Термиз филиали ташкил этилди. Имом Термизий номидagi ислом инсти-тутти ва Имом Термизий ўрта махсус ис-лом таълим муассасаси очилди. Термиз давлат муҳандислик ва арготехноло-гиялар университети фаолият бошлади.

Акбар РАҲМОНОВ,
Қашқадарё вилояти:

— Расулжон ака, рост гап, инсон қад-топган жойида бахтлидир. Тўғриси, узок йиллар бизнинг оғриқли нўқтaмиз меҳнат муҳожирларимиз эди. Улар сиз айтган-дай катта иқтисодий лойиҳалар йўқлиги сабаб уйдан олисга кетиб иш ахтаришга мажбур эди. Камига ҳақ-хўқуқлари ҳимоя қилинмасди. Бугун меҳнат муҳожирлари-га муносабат ҳам тубдан ўзгарди. Ўзе-кистон ўз фуқароларини дунёнинг барча ҳудудига ҳимоя қилишга жиддий эътибор бермоқда. Ҳозир халқро даражада ҳақ-хўқуқларимизни ҳимоя қилиш ҳақида айтилган-у, масалалар ечим топиши керак бўлган маҳалла тизими маълумотнома бе-радианг идорага айланиб қолгани ёдимга тушди. Бугун маҳалла тизими ҳам тубдан ўзгарди. “Маҳалла еттиллиги” уйма-уй юриб, масалаларга ўша жойинг ўзида ечим берапти. Масалан, қўқдалалик Бо-тир Абдусаломов чорасизлик сабаб узок йиллар хорижда ишарди. У ўтган йили хо-риждан қайтганидан хабар топган маҳал-ла фаоллари Ботир билан ҳукубатлашиш учун уйига келди. Хонадонидagi шароит-ни ўрганди. Фаоллар унинг қизиқишлари-га қўқд тушди. Бундан мамнун бўлган ёш йигит имконият бўлса, бизнес қилмоқчи эканини айтди.

— Тўғриси, аввалгига маҳалла фаол-лари ҳужжат тўлдиршиш учун шунчаки сўраб келган-да, дея ўйладим, — дейди Ботир Абдусаломов. — Аксинча, улар орзуларим сари йўл очиш учун йўқла-ган экан. Ўрганишдан сўнг менга туман марказидagi санаот зонасида жой бе-рилди. Тадбиркорликни бошлаш учун маблағга зарурат борлигини айтганим, ёшлар етакчиси бир ярим миллиард сўм кредит олишимга кўмаклашди. Бу эса тармоқни кенгайтиришимга янада қўл келди. Орзуларим амалга ошди. Энди бошқалар ҳам ўзим каби оиласи бағрида бахтли яшашига кўмаклашялман. Хо-рижга кетмоқчи бўлган айрим ёшларни корхонамга ишга оламан.

Яқиндагина иш бошлаган ёш тад-биркор бугун ичимлик сувни қадоқлай-

Фарҳод НЕЪМАТОВ,
Жиззах вилояти:

— Тўғри айтдингиз, Сарвар. Янги Ўзбекистонда амалий ишлар билан халқни рози қилиш сийасати ус-тувор. Буни кейинги йилларда ижтимоий хизмат йў-налишида ҳам кўриш мумкин. “Инсон қадри учун” бошланган ислохотлар тенглик ва адолатни тиклади. Хизмат кўрсатиш турлари ва шакли бутунлай ўзга-риб, соҳага замонавий технологиялар кенг жорий қилинди. Рақамлаштирилган тизим орқали ижти-моий ёрдамнинг аҳолига тез ва осон кўрсатилиши, эътиборга муҳтож ҳар бир фуқаронинг эҳтиёжини аниқ ва самарали қондириш имкони яратилди. Бу ўзгаришлар ҳақида форшилик Норбиби Розикова бундай дейди: “Маҳалламизга бириктирилган ижти-моий ҳодим уйимизга келиб, шароитимизни ўрган-ди. Санаторийда дам олишим кераклигини айтдим. У компьютер орқали Жиззахдаги санаторийга онлайн навбатга қўйди. Ҳозир ижтимоий ҳодимлар уй-ма-уй юриб, одамларга кўмак берапти. Шу ўринда янги Ўзбекистон том маънода ижтимоий давлатга айланигани битта факт билан исботласак. Дўстлик тумани “Бозор” МФЙ ижтимоий ҳодими ўрганиш жараёнида фуқаро Мадина Маматованинг оиласи кўмакка муҳтожлигини аниқлаган. Унинг 2 фар-занди таълимдан узилиб қолгани, турмуш ўртоғи ишсиз, оила ижарада яшаш маълум бўлди. Кейс менежменти асосида ушбу оиланинг болалари бо-чага жойлаштирилиб, болалар нафақаси тайинлан-ди. Унинг турмуш ўртоғи иш билан таъминланиб, ҳоимйлар кўмағида 3 соғих ер ажратилиб, уй кўриб берилди. Ҳатто “Саховат ва кўмак” жамғармасидан моддий ёрдам ҳам ажратилди. Кўряпсизми, ёрдамга муҳтож оила бутунлай оёққа туриб олиши учун бар-ча чора кўриляпти. Ана шу каби ўзгаришлар жамия-тимизда ижобий кайфият уйғотмоқда.



Ғолиб АБДУСАЛОМОВ,
Навоий вилояти:

— Акбар ака, айтганларингизни тинглаб, оилада бахтли инсонлар барча жойда бахтиёрдирлар деган ҳикмати эсладим. Оила, ўй халқимиз учун кичик ва-тан тушунчаси билан уйғун юради. Шу боис, кейинги йиллардаги бунёдкорлик ишларини эътироф этиши-миз адолатли бўлади.

Барпо этилаётган “Янги Ўзбекистон” массивла-ри жуда кўплаб юртдошларимизга қувонч улашяпти. Масалан, Чиннигул Темирова Кармана тумани хотин-қизлар бўлимига мурожаат қилган, ammo муаммоси ижобий ечим топишга унчалик ҳам ишонмаганди. Унга 2023 йилнинг октябры ойида эҳтиёжманд оила сифатида 1 хонали йў берилди.

— Беш йил ижара уйларида яшадим, ҳеч қачон ўз уйим бўлади деб ўйламаганман, — дейди Чиннигул Темирова. — Сабаби, топши-тутишим рўзгордан ор-тимди. Бир ёқда фарзандим парвариши кўпроқ ишлашга имкон бермасди. Шу боис, умидсиз вазиятда эдим. Ҳо-зи ўз уйим бор. Ҳеч ким ижара ҳақини сўраб келмайди. Уйимиз яқинида замонавий боғча қурилган. Фарзандим ўша ерда тарбияланмоқда. Ўзим бемалол ишлаялман. Бу қувончини сўз билан ифодалай олайман.

Албатта, инсон қадри ва манфаати улуғланган юр-тимизда бунёдкорлик ишлари жадал сурьтада давом этипти. Демак, ҳали яна кўплаб оилаларга бундай бахт қулиб боқадим. Масалан, Президентимизнинг 2021 йил 9 декабрдаги “Янги Ўзбекистон” массивларини қуриш ва ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши-ни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фар-мони асосида ишлар жадал давом этмоқда. Ҳусусан, Кармана туманида 21 гектар жойда “Янги Ўзбекистон” массиви қад ростламоқда.

Расулжон КАМОЛОВ,
Фарғона вилояти:

— Тўғриси, энг катта юзга халқ рози-лигига эришишдир. Биз осонгина айтаёт-ган Учинчи Ренессансга асос солиш ас-лида жуда машаққатли йўл. Сарвар гапни таълимдан бошлаб яхши қилди. Таълим тараққийнинг ўқ илдизи. Лекин таълим олишга иштиёқ, имконият бўлиши учун оилалар тинч ва иқтисодий барқарор бўлиши шарт. Шу боис, хотин-қизлар бандлиги, тадбиркорлигига берилаётган эътибор кейинги йиллардаги энг катта ис-лохотлардан бири бўлди. Натижада тан-дир-ўқоддан боши чикмайдиган қишлоқ аёли жамиятнинг фаол аъзосига айланди.

Факт билан айтсак, Учкўприк тумани-даги Оқсув маҳалласида яшайдиган Юл-дузхон Қодирова ишсиз эди. “Қўқон” эр-кин иқтисодий зонасининг шу тумандagi ҳудудида “Thermo Tech” МЧЖ томонидан металл панелли радиаторлар ишлаб чиқа-риш лойиҳаси амалга оширилгач, кўплаб ёшлар учун янги имконият эшиги очилди. Шулар қаторида Юлдузхон Қодирова ҳам иш билан таъминланди.

— Маҳалламиз яқинида замонавий корхона ташкил этилгани айни муддао бўлди, — дейди дастгоҳларни маҳорат билан бошқараётган Юлдузхон. — Илчи-хизматчилар учун алоҳида шарт-шароит-лар яратиб берилган. Маошимизни ўз вақтида олашмиш, бепул тушлик, узокдан келиб ишлайдиганларга махсус транспорт ажратилган. Корхонамизда 30 сантиметр-дан 3 метргача бўлган металл панелли радиаторлар ишлаб чиқаришмоқда. Ита-лия ва Туркиядан олиб келинган техника ва технологияларни бошқараётган илчи-хизматчиларнинг катта қисми ёшлардир. Хорижий мутахассислар бизга касб сир-ларини ўргатапти.

Фарғона вилояти ҳокими ўринбоса-ри Комила Кавланова берган маълумотга кўра, вилоятда биргина “Аёллар дафтари” тизими асосида ўтган беш йил давоми-да умумий ҳисобда 401 мингдан ортқ

Минажатдин ҚУТЛИМУРАТОВ,
Қорақалпоғистон Республикаси:

— Энди сўз навбати бизга, жигитлер! Ҳаммангиз катта ўзгаришлар ҳақида айт-дингиз. Бу йил юртимизда “Атроф-му-ҳитни асраш ва яшил иқтисодий” йили” деб эълон қилинган эди. Шундан келиб чиқиб, юртимиздаги ислохотларнинг бар-часини ўзида жамлаган бир жиҳат ҳақида айтмоқчиман.

“Янги Ўзбекистон” газетасидаги мақо-ларини қорақалпоқ тилига таржима қи-лиш жараёнида бир нарсани билдим, Ўзе-ки тилида “яхшилик” ва “яшиллик” сўзлари шаклан ҳам, маънудан ҳам ўхшаш экан. Шу боис, янги Ўзбекистондаги ислохотларни **яшил, яхшилик сийасати** деб атаган бўлар-дим. Бу ҳар жиҳатдан мос тўшади. Шу пай-тда Орол муаммоси ҳақида барча гапирди. Тактифлар ўртага ташланди, муҳомадалар қилинди. Бироқ тан олайлик, тайинли иш бажарилмаган эди. **Президентимиз 2018 йил 15-16 ноябрда Қорақалпоғистон-га ташириб буюрганда барчаси ўзгарди. Давлатимиз раҳбари Орол денгизининг суви қуриган тубида яшил қопламали ҳимоя ўрмон яратиш борасида мутасад-диларга топшириқ берди.** Тўғриси, аниқ натижа кўринмагунча янги лойиҳанинг са-марасига кўччилик ишонқирамай қаради. **Бироқ ватанимизнинг ҳар бир қарич ерини биладиган, ундаги муаммолардан хабардор давлатимиз раҳбари уларнинг ечимини ҳам аниқ айтган эди.**

Ана шу ташаббус асосида Орол де-нгизининг суви қуриган майдони тубдан ўзгарди. Фазодан қараган одам кўнгр тусли чўл ўрнида яшил маконни кўради-ган бўлди. Биргина жорий йилдаги иш-ларни таҳлил қилсак. Бу йил мавсумда ўрмонлаштириш ишлари учун саксовул, қорабўроқ каби чўл ўсимликларининг 413 тонна уруғи териб олинди. Бундан ташка-ри, жорий мавсумда 71,9 минг гектар май-донда чўл ўсимликлари экилди. Шундан 71 минг гектарга ўсимлик уруғи сочилди ва 0,9 минг гектарга қўчат экилди. Бу шу

йилдаги режанинг 79 фоизи бажарилди дегани. Қолаверса, 2025 йилда “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида дарахт қўчатлари етказиб бериш учун ўр-мон хўжаликлари томонидан 198,6 гектар майдонда қўчатхоналар ташкил этилди. “Яшил макон” доирасида 2025 йил-нинг баҳор мавсумида 9 миллион 743 минг туп манзарали ва мевали дарахт қў-чати экилиб, белгиланган режа 105,3 фоиз бажарилди.

Шунингдек, Экология вазирлиги маб-лағлари ҳисобидан Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирли-ги ташкилотларига баҳорда 40 минг туп манзарали, мевали дарахт ва бута қўчати етказиб берилди.

Ўзбекистон Президентининг “Рес-публикада яшиллик даражасини янада ошириш, “Яшил макон” умуммиллий лойиҳасини изчил амалга ошириш орқа-ли экологик барқарорликни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармо-ни ижросини таъминлаш, шунингдек, Оролбўйи ҳудудларида экологик вазиятни яхшилаш, глобал иқлим ўзгаришлари-нинг салбий таъсирини янада юмшатиш учун 200 минг гектар майдонда ҳимоя ўр-монзорлари барпо этилди.

Умуман, бугун Қорақалпоғистон туб-дан ўзгарди. Олис туманларда ҳам иш-лаб чиқариш корхоналари пайдо бўлди. Натижада иш ўринлари яратилди, янги-ча ва юқори даражадаги ҳаёт нафаси кириб келди. Мана шундай амалий ишлар, яшил ташаббуслар, барчага бирдек яхшилик улаштиш сийасати билан янги Ўзбекистонга асос солиняпти.

Ҳа, бугун биз яшил орзуларни парва-риш этаётган янги Ўзбекистонда яшап-миз!

Суҳбатни
Боборавшан ҒОЗИДДИНОВ
уюштирди.

ЁШЛАР — ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН БУНЁДКОРЛАРИ

Фахр

Ўзбекистон ёшлари — янги тарих яратадиган олтин авлод. Чиндан ҳам, уларга шундай баҳо берсак, муболаға бўлмайди. Чунки ҳар соҳада фаол бўлаётган бугунги ёшларимиз мамлакатимиз равнақиға муносиб ҳисса қўшиш билан бирга, юртимиз номини дунёга кенг танилтипти ҳам. Бу юртимизда амалга оширилаётган ёшларга оид давлат сиёсати самарасидир. Зотан, энди янги Ўзбекистон ёшлари, чин маънода, келажак бунёдкорлари сифатида куч, билим ва меҳнатлари билан ўзларини намоён этмоқда.

“Ватан учун, миллат учун, халқ учун” шиори остида мамлакатимиз мустақиллигининг 34 йиллигига кенг тайёргарлик қўриладиган шу кунларда юрт равнақи йўлида меҳнат қилаётган айрим ёшларимиз фикрлари билан қизиқдик.

НЕГА “APPLE”НИ ТАШЛАДИМ?



Садоқат ҚОЗИЕВА,
IT мутахассиси, “Шуҳрат” медали соҳиби:

— Йигирма йил аввал Буюк Британияга, у ердан Америкага бориб, нуфузли компанияларда замонавий соҳалар, хусусан, ахборот технологиялари бўйича тажриба оширганимда, мамлакатимизда бу соҳа вакиллари жуда кам эди. Кейинги йиллардаги улкан ўзгаришлар, барча соҳалардаги ислохотлар Ўзбекистонда ҳам замонавий касблар кескин ривожланишига хизмат қилаётди. Энг қувонарлиси, сўнгги 5-6 йил мобайнида IT соҳаси ҳаётимизга шиддат билан кириб келди. Бу биз каби соҳа вакиллариға янги-янги гоёлар, куч-ғайрат ва илҳом беради.

Мендан нега Американи, “APPLE”ни ташлаб келдингиз деб сўрайдиган аксарият ватандошларга берадиган жавобим ҳам шу, аслида. Тўғри, Америка ўзига хос диёр, техника тараққий этган давлат. Аммо бугун Ўзбекистонда ҳам замонавий технологиялар билан ишлаш салоҳияти сезиларли даражада ошди. IT мутахассислари, умуман, келажак касблари эгалари юксак қадрланаяпти. Айниқса, хотин-қизларни бундай соҳаларга жалб қилишга катта эътибор қаратиладигани диққатга сазовор. Бу имкониятдан фойдаланиб, хорижда юрган кезлар дилга туққанам — Ўзбекистонлик аёл ва қизларни IT соҳасига кенг жалб қилишга эришилман. Айни пайтда Юнусобод туманида жойлашган ши-наметина офисимизда 50 дан зиёд ишчи бор. Яқинда турмушга чиққан, фарзанди бор бир

ДУНЁ ФУТБОЛИ САҲНАСИДА КУЧЛИ БЎЛИШИМИЗ ШАРТ!

Ўткир ЮСУПОВ,
Футбол бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси дарвозабони:

— Футбол бўйича жаҳон чемпионатиға йўланмани қўлга киритганимиз шукуҳи қалбларни тарқ этгани йўқ. Тарихий лаҳзалари ҳар гал эсласам, кўнглим энтиқиб кетади.

“Ўзбекистон жаҳон чемпионатиға йўл олди” деган сўзларни эшитиш жуда ҳаяжонли. Бу фақат мен учун эмас, ҳар бир ўзбек учун фахр, бахт ва тарихий ютуқдир. Бунинг замирида замонавий стадионлар, тайёргарлик жараёнларида замонавий ёндашувлар, умуман, яратилган шарт-шароит, эътибор ётади.

Келинг, яна бир бор тарихий ғалаба онларига назар ташлаймиз. Менимча, бурилиш нуқта-си Лаосдаги сафар ўйинида юз берди. Босим жуда катта эди. Лекин юрагимда “Биз бунга қодирмиз”, деган бир ҳис устун эди. Жамоа юракдан ҳаракат қилди, бор кучимизни бердик. Уша ўйиндан кейин ички бир овоз: “Бу сафар ростдан ҳам ғалаба қозонамиз”, дер эди.

Энг катта ўзгариш — ишонч ва профес-сионаллизмимиз ортди. Мураббийлар, фут-болчилар, бутун тизимда янгича фикрлаш пайдо бўлди. Ҳар бир ҳаракат аниқ режа асо-сида ташкил этилди. Ҳар бир ўйинга пухта тайёрландик, рақибларимизни чуқур таҳлил қилдик. Энг муҳими, ҳаммамизда истак ва ишонч кучли эди.

Орзулар қачондир рўйбга чиқди. Фақат умидни узмаслик, меҳнат ва интилишни тарк этмаслиги керак. Мен ҳам болалигимда жа-ҳон чемпионатини томоша қилиб, бир кун биз ҳам дунё футбол майдонида энг кучли



жамоа билан беллашамиз, жаҳон чемпио-натиға чиқамиз деб орзу қилардим. Энди бу орзу рўйбга чиқди. Биздан кейингилар ҳам маррани банд олиши керак.

Албатта, ғалаба биз учун катта шараф. Президентимиз энг юқори даражада қадрла-наётганини билдиради. Қолаверса, энг катта муқофот — халқимизнинг дуолари ва онлам кўзидики қувонч эди.

Ҳозир ютуқларга маҳлиё бўлиб ўтириш пайти эмас. Жаҳон чемпионатиға тайёргар-лик жуда қизгин кетмоқда. Жисмоний тайёр-гарлик муҳим, албатта, лекин руҳий чидам, тактик тайёргарлик ва рақибларни чуқур ўрганиш ҳам шунчалик аҳо бўлиши керак. Мураббийлар штаби билан биргаликда юқо-ри даражада тайёргарлик қўришга ҳаракат қиламиз, чунки дунё футбол саҳнасида ҳар жихатдан кучли бўлишимиз шарт.



ТАБИЙ МАҲСУЛОТ БИЛАН ЖАҲОН БОЗОРЛАРИНИ ЭГАЛЛАЙМИЗ

Шерзод НИЯЗИМБЕТОВ,
“Биогумус” фермер хўжалиги раҳбари, “Келажак бунёдкори” медали соҳиби:

— Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетини тамомлаб, иқтисодчи бўлиб-манки, мамлакатимиз иқтисодиёти ривожига ҳисса қўшишим ва бу йўлда ўз ўрнимни топишим кераклиги ҳақида ўйлайман. Шу маънода, ўзим туғилиб ўсган Қорақалпоқ ер-ларида 2018 йилдан бун помидорни қуёшда қуришиб, Франция, Италияға экспорт қила-миз. Корхонамизда 200 га яқин масумий ва доимий ишчилар бўлиб, асосан, қишлоғи-миздаги аёл-қизларни қабул қилганмиз.



Маҳсулотимизга талаб юқори. Жаҳон стандартларига жавоб берадиган бир неча сертификатларга эга эканимиз миқдорларимиз ишончига хизмат қилади. Экологик тоза маҳсулот тайёрлашда бизга Қорақалпоғистон-нинг иқлим шароити жуда қўл келади. Помидорни табиий усулда етиштириш баробарида қуриштишни ҳам шу усулда амалга ошира-миз. Табиий шароитимиз помидорни уч кундаёқ қуришиб олиш имконини берапти.

Президентимиз билан Ёшлар куни байра-мида учрашиб, шу гапларни айтганимда, “Бу фаолиятининг мегалойиҳа қилишинг учун нима керак?”, деб сўраганларининг ўзиёқ корхонамиз жамоасига катта далда бўлди. Мен бунинг учун салоҳиятимиз, шароитимиз

ЭЛ РОЗИЛИГИГА ЭРИШИШ ОЛИЙ МАҚСАДИМ



Баҳодирбек НАБИЖОНОВ,
Академик В.Вохидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт маркази қон томир хирургияси ва буйрак трансплантацияси бўлими жарроҳи, “Келажак бунёдкори” медали соҳиби:

— Бугун замон шиддат билан ривожлан-япти. Тиббиётнинг энг илғор усулларини татбиқ этиш, мураккаб касалликларни сама-рали даволаш талаби ҳар қачонгидан муҳим аҳамият касб этмоқда. Зотан, замонавий диагностика ва даволаш технологияларини ўзлаштириш беморларга сифатли ҳамда са-марали хизмат кўрсатишни таъминлайди.

2022 йилда Россиядаги академик И.Шумаков номидаги трансплантология ва сунъий органлар миллий тиббиёт ил-мий-тадқиқот марказида малака оширдим. 2023 йил март ойида Тошкентда Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривож-лантириш марказида қон-томир хирургия-си мутахассислигини олдим. Айни пайтда Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт марказида ангио-хирург-трансплантолог бўлиб ишляпман.

Қон-томир касалликлари бўйича 50 дан ор-тиқ, буйрак трансплантацияси амалиёти билан боғлиқ 500 дан ортиқ мураккаб опе-рацияларда бевосита иштирок этдим.

Бундан ташқари, эҳтиёжманд аҳоли са-ломатлигини мустаҳкамлаш, кўрсатилади-ган малакали ихтисослаштирилган тиббий ёрдамни аҳолиға яқинлаштириш мақсадида қон-томир хирургияси ва буйрак трансплан-тациясини жойларга бориб ўтказиб келяпмиз.

Ўтган йили Ёшлар куни муносабати билан “Келажак бунёдкори” медали билан тақдир-ландим. Бу муқофот нафақат меннинг, балки тиббиёт марказида мен каби одамлар дардиға



дармон бўлишни истаган барча ёш шифокор-ларнинг меҳнатига берилган баҳо бўлди.

Президентимиз қўлидан “Келажак бун-ёдкори” медалини олар эканман, Туркия, Ҳиндистон, Россияда бажариладиган мурак-каб жарроҳлик амалиётларини нафақат ўзим ишлаётган Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт марказида, балки туғилиб ўсганим — Бағдод туманида бажариш, одамлар дардиға дармон бўлиш ниятим борлигини айтдим.

Бугун юқори технологик амалиётлар на-фақат республика, вилоят марказларида, балки энг чекка ва олис ҳудудларда ҳам ўт-казилмоқда. Жорий йилда марказимизға рес-публика бўйича 28 та туман бириктирилган. Ана шу туманларда мураккаб жарроҳлик амалиётларини ўтказаяпмиз. Мисол учун,

етарли эканини айтдим. Давлатимиз раҳба-ри эса бор имкониятларини ишга солиб, дунё бозорларига кириб олишимиз кераклигини таъкидлади. Насиб қилса, еримизни кенгай-тириб, ишончини оқлаймиз.

Тақдимотимиз давлатимиз раҳбарига жуда маъқул бўлди. Сабаби газ, электр энергияси ишлатмасдан, қўл меҳнатидан фойдаланган ҳолда кўплаб ишчи ўринлари яратиб, Европа бозорларига маҳсулот етказаяпмиз. Мамлакатимиз экспорт салоҳиятида камхарж, янги йўналишни очиб бера олганимиз кўп бор эътироф этилган. Қолаверса, Италия, Франциядек ривожланган давлатлар билан ҳамкорликнинг эртаси ёруғ, албатта. Шу ўринда айтиш жоизки, маҳсулотимиз италияликларнинг миллий таомларидан бири ҳисобланади.

Истиқболдаги асосий мақсадларимиздан бири консерва заводини қуриш. Консер-валанган маҳсулотни нафақат ички бозор, балки Россия ва бошқа қўшни давлатларға ҳам экспорт қилишни режалаштираяпмиз. Шунингдек, эндиликда узоқ чет давлатларға ҳам етказишни кўзда тутганмиз. Зеро, бизда бу маҳсулотни етиштиришға, қайта ишлаш-ға, юқорида айтганимиздек, тайёр маҳсулот қилишға ҳам барча шароитлар муҳайё. Жа-ҳондаги энг етакчи помидор қоқи етишти-рувчилардан бири Туркия еки Европа билан солиштирадиган бўлсак, иқлим нуқтаи на-заридан ҳам, таннарх жиҳатидан ҳам бизда устунлик бор. Шу маънода, корхонамиз эъ-тиборға тушган. Ўзбекистонда энг яхши 30 нафар ёш тадбиркорлар қаторига кирганим менға доимий кўтаринкилик бериб туради.

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгесининг энг ёш депутат сифатида ҳам шуни ишон билан айтаманки, бугун мам-лакатимиздаги яратувчан ёшлар фаолияти доим давлатимиз эътиборида. Бундай ёшлар-ни қўллаб-қувватладан, бошқаларға ибрат сифатида кўрсатишдан мамлакатимиз ҳар томонлама манфаатдор эканини Президен-тимиз кўп бора таъкидлайди. Шундай экан, ватан учун, халқ учун, миллат учун наф кел-тириш йўлидан оғинайлик.

ЛОЙИҲА ИЧИДАГИ ЛОЙИҲА ЁШЛАРНИНГ ТИЛ ЎРГАНИШИГА КАТТА ТУРТКИ БЕРАДИ

Рустам ҚОРИЕВ,
“Ибрат фарзандлари” нодавлат нотижорат ташкилоти бошқаруви раиси:

— Ҳар бир мамлакатнинг жаҳон миқёсида ҳам иқтисодий, ҳам ижтимоий интеграцияла-шуви унинг меҳнат бозорида талабгир, етуқ кадрлар захираси билан боғлиқ. Юртимизда таълим соҳасида кечаётган туб ўзгаришлар бу борадаги ислохотларнинг энг муҳим жа-раёнлари саналади.

Хорижий тилларни чуқур ўргатишни таълим сиёсатининг устувор йўналиши сифатида ривожлантириш, ўқитувчи ва ёш-ларнинг чет тилларни ўрганишга бўлган қизиқишини оширишға алоҳида эътибор қаратилмоқда.

“Ибрат фарзандлари” лойиҳаси ҳам ёш-ларнинг бепул тил ўрганиши учун ажойиб имконият. Лойиҳа хорижий тилларни бепул, содда, тизимли ва креатив усулда ўргатишни мақсад қилган.



“Ибрат фарзандлари” лойиҳаси ҳам ёшларнинг бепул тил ўрганиши учун ажойиб имконият.



хорижликлар учун ўзбек тили, саводхонлик дарслари, имо-ишора тили, IELTS, TOEFL, IT-English курслари ўргатиб келинмоқда.

“Ибрат фарзандлари” лойиҳаси қисса вақт ичида You Tube платформасида 863 мингдан ортиқ обуначига эга бўлди. Платформада 2900 дан ортиқ видео жойлаштирилган, деяр-ли 65 миллион марта томоша қилинган.

“Ибрат фарзандлари” доирасида “Ибрат кашфиётлари” лойиҳасига асос солинган. Бу лойиҳа орқали юртимизнинг турли ҳудудла-ри, жумладан, чекка қишлоқларида хорижий тилларни ўрганаётган ёшлар, дунёнинг ТОП 20 талик университетларига 100 фойзлик

грантни қўлга киритган йигит-қизлар ҳақида ҳикоя қилинади.

Ёшларнинг чет тилларда эркин сўзлаша олиши энг нуфузли халқаро компанияларда ишлаш, давлатлар ўртасидаги мулоқотда самарали иштирок этишини таъминлайди. Бу эртанги эгаларнинг глобал жараёнларға мослашиши, халқаро майдонда рақобатдош кадр бўлиб вояға етишиға хизмат қилиши билан аҳамиятли.

“Янги Ўзбекистон” мухбирлари
Рисолат МАДИЕВА,
Муножат МЎМИНОВА тайёрлади.

5

ТАШАББУС — ЭЗГУ FOЯ

5

ПРЕЗИДЕНТНИНГ ТАШАББУСИ

АМАЛИЙ НАТИЖАЛАР
БЕРАЁТГАН УЛКАН ИМКОНИЯТЛАР

Бошланиши 1-бетда

Масъуллар жонланди, ижрочилар енг шимарди, жойларда ташаббусларга хайрихох, ишга чанқоқ ёшлар майдонга чикди. Орадан ўтган фурсат мобайнида ўзгаришлар яққол кўзга ташлана бошлади, юртдошларимиз ҳар қадамда унинг ҳосиласини ҳис қилаётганини эътироф этдилар.

“Беш муҳим ташаббус” — бугунги кунда мамлакатимиз ёшлар сиёсатида туб бурилиш ясаган, инновация, таълим, спорт,

1-ТАШАББУС МАҚСАДИ:

Ёшларни маданият ва санъатга жалб қилиш, истеъдодини юзага чиқариш

2-ТАШАББУС МАҚСАДИ:

Ёшларни жисмоний тарбия ва спортга жалб этиш, бунинг учун зарур шароитлар яратиш

Биринчи ташаббус бўйича ёшларни маданият ва санъат муассаларига кенг жалб этишга онд давлат дастури лойиҳаси тайёрланди. Унга мувофиқ, 2019-2020 йилларда 14 дан 30 ёшгача бўлган 2 миллион ёшни маданият ва санъатга жалб этиш бўйича худудий “йўл хари-та”ларини тасдиқлаш кўзда тутилди. Шунингдек, болалар мусиқа ва санъат мактабларида қўшимча синфлар, маданият марказларида чолгу, хонандлик, тасвирий санъат тўғараклари, ҳаваскорлик театр жамоалари ва болалар ансамблларини ташкил этиш белгиланди. Янгидан қуриладиган, реконструкция ва капитал таъмирландиган ҳамда жиҳозланадиган маданият марказлари манзилли рўйхати ҳам шакллантирилди.

Ёшларнинг мусиқа, рассомлик, адабиёт, театр ва санъатнинг бошқа турларига қизиқишларини ошириш, истеъдодини юзага чиқариш ижросини тизимли ташкил этиш, тўғарак ва синфларга қамраб олинган болаларни рағбатлантириш, жумладан,

ҳар хил танловлар ўтказиш зарурлиги мақсад қилинди.

Туман ва шаҳарларда маданият марказлари ва умумтаълим мактабларида ёшларнинг қизиқишдан келиб чиқиб, қўшимча 1,5 мингта тўғарак ташкил этиш вазифаси қўйилди.

— Санъат ва бадиий ижод шахс феноменини шакллантирувчи асосий мезондир, — дейди санъатшунос Шохид Эшонбобоева. — Шундай экан, ёшларда эстетик онг, эстетик инд, эстетик иммунитет, эстетик интеллектни шакллантирувчи, маънавий ва тарбиявий аҳамиятга эга бўлган бадиий-эстетик ижод намуналарининг ўрнини алоҳида эътироф этиш зарур. Санъатнинг қудратли кучи шундаки, у нафақат инсонга маънавий озуқа беради, балки бутун бир жараёнларнинг, тараққиётнинг қудратли қуроли бўла олади. Адабиёт ва санъат асарларининг кучи унинг халқчил ва тушунарлилигида, кишилар ички руҳий дунёсига эмоционал таъсир кўрсата олишидадир.

Халқимиз асрлар давомида хилма-хил миллий спорт турларини яратганки, бу, ўз навбатида, ёшларнинг жисмоний ва маънавий тарбияси учун асос бўлиб хизмат қилади. Қадимдан кураш, от спорти, камондан отиш, дорбозлик каби спортнинг миллий турлари анча ривожланиб келган. Бугун Ўзбекистон жисмоний тарбия ва спорти оддий жисмоний машқ ва ўйинлардан замонавий олимпия спорт турларига қадам юксак тараққиёт йўлини босиб ўтди.

Иккинчи ташаббус юзасидан тайёрланган ёшларни жисмоний тарбия ва спортга жалб этиш, спорт иншоотлари қувватини оширишга қаратилган дастурда ҳар бир туманда кичик спорт заллари қуриш белгиланди. Шунингдек, мактабларда жисмоний тарбия дарслари самарадорлигини ошириш, аҳоли ўртасида спорт маданиятини юксалтириш, оммавий спорт тарғиботини ривожлантириш тадбирлари ишлаб чиқилиб, уларни ҳаётга тағбиқ этишга киришилди.

Спорт ҳозирги жамиятнинг янада тараққий этишида ёрдам берувчи қудратли воситадир. Мустақиллик йилларида жисмоний тарбия ва спортнинг оммавийлиги янада кенгайди. Республика аҳолисининг катта қисми спортнинг ҳар хил турлари билан шугуллана бошлади. Давлатимизнинг эътибор марказида соғлом авлод учун олиб борилаётган узлуксиз сайёҳаракатларнинг асосий йўналишларидан бири

сифатида сўнгги йилларда қизлар спортининг жадал ривожланиётганини алоҳида таъкидлаш ўринлидир. Ҳар томонлама пухта ўйланган ғоя ва дастурий режаларнинг босқичма-босқич амалга оширилиши, айниқса, миллий хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда жисмоний тарбия машғулотларини олиб борадиган аёл мураббийларини тайёрлаш, улар меҳнатини моддий рағбатлантиришга қаратилган жиддий эътибор бугунги кунда ўзининг бир талай ижобий натижаларини намоян этмоқда.

— Тадқиқотлар сўнгги беш йилда спорт билан мунтазам равишда шугулланган 10-14 ёшли ўғил болаларнинг бўйи ўртача 2,3 сантиметрга, қиз болаларнинг бўйи эса 2 сантиметрга ўсганлигини, вази эса мувофиқ равишда 2,6 килограмм ва 2,9 килограммга ошганлигини кўрсатади, — дейди Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети ўқитувчиси, психология фанлари бўйича фалсафа доктори Даврон Назаров. — Болалар спортини ривожлантириш орқалигина Ўзбек спортининг келажиги таъминлаш, халқаро майдонда унинг обрў-эътибор қозонишига эришиш мумкинлиги ҳеч кимга сир эмас. Бу борада олиб борилаётган ишлар натижалари нафақат спортда эришилаётган ютуқларда, балки одамларимиз онгидида юз бераётган ўзгаришларда, уларда фарзандлар келажиги, мамлакат истиқболига масъулилик, дахлдорлик туйғусининг юксалаётганлигида ҳам намоян бўлмоқда.

3-ТАШАББУС МАҚСАДИ:

Компьютер технологиялари ва интернетдан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш

4-ТАШАББУС МАҚСАДИ:

Ёшларни китобхонликка кенг жалб қилиш

Бутун дунёда қадриятлар алмашиши, интеграциялашуви, глобаллашуви, агар таъбир жоиз бўлса, маданиятлар аралашуви, синтезлашуви жараёни кечаётган ҳозирги пайтда ўзга урф-одатларга, маънавий тамойилларга мойил бўлиш табиий ҳол. Бугунги глобаллашуви даврида ахборот тарқатиш низолатда замонавий қиёфага кирди. Интернет тармоғининг жадал ривожланиши жамият ҳаётини тубдан ўзгартириб юборди.

Ушбу жараён нафақат катталар, балки болалар психологиясига ҳам таъсир қилади. Агар ўтган асрнинг 90-йиллари ўрталарида ёшларнинг энг сеvimли машғулотлари мусиқа тинглаш ва телекўрсатув кўриш бўлган эса, ҳозирга келиб компьютер, телефон ва интернет аввалги қизиқишларни ёш авлод ҳаётидан сиқиб чиқарди. Замонамиз ёшларининг 70 фоизи ўз қизиқиш ва сеvimли машғулотлари ҳақида сўз юритганда спорт, дўстлар билан суҳбатлашиш, маънавий ва маданий ҳордиқ чиқариш билан бир қаторда компьютер технологиялари, интернетга бўлган қизиқишини биринчи ўринда тила олади.

Учинчи ташаббусга онд дастур доирасида туман ва шаҳарларда рақамли техно-

логиялар ўқув марказлари ташкил этиш ва уларда бепул таълим бериш, 19 мингта яқин ижтимоий соҳа объектини юқори тезликдаги интернет тармоғига улаш кўзда тутилган эди. Аҳолининг компьютер саводхонлигини ошириш, ахборот технологиялари қизиққан болаларни тўғри йўналтириб, уларни малакали мутахассис даражасига олиб чиқиш, дастурий маҳсулотлар яратиш бўйича кўрсатмалар берилди.

— Давлатимиз томонидан ташкил этилган чора-тадбирлар амалга оширилишида ёшларни интернетдаги зарарли хуружлардан асраш, уларни ахборот технологияларидан унумли фойдаланишга ўргатиш масалаларига ҳам алоҳида аҳамият қаратилди, — дейди Рақамли технологиялар вазирлигининг рақамли таълими ривожлантириш бошқармаси бошлиғи ўринбосари Жасурбек Қайнарбеков. — Негаки, ахборот урушида инсон онги, миллат руҳияти нишонга айланади. Бу урушда бинолар талафот кўрмас, инсон қурбон бўлмас, лекин унинг мафқуравий, маънавий, руҳий зарарини бирор нарса билан ўлчаб бўлмайди.

Маълумки, аҳоли, хусусан, ёшлар ўртасида китоб мутлоаси ва китобхонлик маданиятини ошириш давлатимиз раҳбарининг доимий эътибориди масалалар сирасига кирди. Натижада бутун бадиий жиҳатдан юксак, интеллектуал савияни ўстиришга хизмат қиладиган китобларга бўлган талабни ўрганиш, шу жумладан, ижтимоий сўровлар орқали аниқлаш, наشريётлар томонидан чиқариладиган бадиий, маърифий, ёшларнинг дунёқарашини кенгайтиришга доир адабиётларнинг (шу жумладан, электрон шаклда) умумий буюртма рўйхатини шакллантириш тизими ҳолати яхшиланди.

Беш ташаббус доирасида мамлакат бўйлаб янги кутубхоналар очилди, электрон китоб платформалари яратилди. 1000 дан зиёд кутубхона янгиланиб, электрон каталоглар жорий этилди. “Yosh kitobxon” каби танловлар мамлакат бўйлаб оммалашди.

Шунингдек, китоб тарқатиш тизимини янада ривожлантириш ва аҳолининг кенг қатламини қамраб олиш, китоб маҳсулотларининг нархини шакллантириш ва сотиш бўйича аниқ механизмлар ишлаб

чиқилди. Чоп этилаётган китобларни аҳоли ўртасида оммавий ахборот воситалари, жумладан, “Маданият ва маърифат” телеканаллари орқали тарғиб қилиш, таълим муассасалари, кутубхоналар, маҳалларда китоб муаллифлари билан ижодий учрашувларни тизимли равишда ташкил этиш масалалари изга тушди.

— Таълим муассасаларида синфдан ташқари ўқиш учун тавсия этилган ўзбек ва чет эл адабларининг мумтоз ва замонавий асарларини танлаб, хрестоматия адабиётлари рўйхатларини қайта қўриб чиқиш ва ўқув жараёнига мутлоаа этилган асарлар асосида иншо ёзиш тизими жорий этилди, — дейди шоир Дониёр Мирзо. — Худудларда ёзувчи-шоирлар иштирокида китоб байрами ва ярмаркаларини ташкил этиш, аҳоли ўртасида бадиий жиҳатдан юксак миллий ва жаҳон мумтоз адабиётлари намуналарини тарғиб қилиш, китобхонлар, босма ва электрон китоб ишлаб чиқарувчилар, китоб сотувчилар ҳамда кутубхоначи ва тарғиботчилар орасида танловлар ўтказиш тизими такомиллаштирилди.

“Беш муҳим ташаббус” — бу шунчаки дастур эмас, балки муқобили бўлмаган имкониятлар майдонидир. У ёшларнинг салоҳиятини очиб, жамиятнинг ҳар бир қатламини қамраб олиш, мамлакатнинг интеллектуал ва маданий юксалишига замин яратмоқда. Мустаҳкам асосга эга бу ташаббуслар янги Ўзбекистон келажиги билимли, соғлом, фаол ва ватанпарвар ёшлар қўлида эканини яна бир бор исботламоқда.

Маълумки, “Беш муҳим ташаббус”нинг амалий натижалари янги имкониятлар учун асос бўлди. Жумладан, бугун лойиҳа олимпиада тусини олган. Унинг олимпиада шаклида ташкил этилиши орқали ёшларга ўз қобилиятларини намоян қилиш ва ривожлантириш имконияти кенгайди. Маҳалла, туман, шаҳар, шунингдек, мактаб, коллеж, техникум ва олий ўқув юртиларида ўтказилаётган “Беш ташаббус олимпиадаси” танловларидан мақсад — ёшларни маъзур йўналишларда фаол қатнашишга ундаш, иқтидорларини аниқлаш ва рағбатлантиришдан иборат.

Олимпиаданинг хусусиятлари ҳақида гапирадиган бўлсак, бунда ҳар бир ташаббус бўйича алоҳида

йўналишда мусобақалар ўтказилади. Уларда умумтаълим мактаблари, техникумлар ва олий таълим муассасалари ўқувчилари ва талабалари иштирок этади. Ғолиблар туман, вилоят ва республика босқичлари орқали аниқланади. Ўз иқтидорини намоян қилган ёшларга грантлар, сертификатлар ва моддий рағбатлар берилади.

Жисмоний тарбия ва спорт бўйича йўналишдан мининг футбол, югуриш, волейбол, баскетбол, стол теннис, шахмат, бадиий гимнастика ва бошқа спорт турлари бўйича мусобақалар ўрин олган бўлса, маданият ва санъат йўналиши мусавирлик, халқ амалий санъати, хонандлик, театр, рақс, куй ва мусиқа каби танловларни ўзида жо қилган.

Ахборот технологиялари ва интернет йўналишида компьютер саводхонлиги, дастурлаш, веб-сайт яратиш, киберхавфсизлик, робототехника ва IT танловлари, хотин-қизларнинг иш билан бандлигини таъминлаш йўналишида эса қўл меҳнати, тикуччилик, дизайн, ошпазлик, тадбиркорликка онд танловлар ўрин олган.

Китобхонлик йўналиши алоҳида мавзу. Бадиий ва илмий адабиётлар бўйича тестлар, иншо-лар, адабий таҳлил, “Энг яхши китобхон” танлови кабинетларни қамраб олган олимпиада бугун ўз атрофида минглаб ёшларни бирлаштирди.

— Президентимиз ҳақли равишда таъкидлаганидек, тарбияда танаффус бўлмайди, — дейди Ўзбекистон халқ шоири, Ёзувчилар уюшмаси раиси Сирожиiddин Саййид. — Тарбия эса, албатта, китоб орқали такомиллашиб боради. Ёшларни эзгулик мақсадларида бирлаштираётган хайрли ишга Ёзувчилар уюшмаси ҳам бор имкониятларини ишга солиб, ўз ҳиссасини қўшяпти. Ёшларимиз бевоcита суҳбатлашишни истаган шоир-ёзувчилар, адиблар билан Адиблар хибонидида ташкил этилаётган оқшомлар мунтазамлик касб этган. Бундан ташқари, янги китоблар тақдимотлари, умуман, мутлола билан боғлиқ тадбирларнинг барчаси кўтаринки руҳда ташкил қилиняпти.

Асосий мақсоди ёшларнинг интеллектуал, ижодий ва спорт салоҳиятини ривожлантириш, уларни ижтимоий фаолликка жалб этиш ва соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишдан иборат “Беш ташаббус олимпиадаси” 2022 йилдан буён мунтазам ўтказиб келинади. Олимпиада 26 та лойиҳани ўз ичига олади. Уларнинг 13 таси танлов бўлса, 13 таси спорт мусобақалари ҳисобланади. Ўзбекистонда яшовчи 14-30 ёшдаги барча ёшлар бу мусобақаларда иштирок этиши мумкин.

“Беш ташаббус олимпиадаси”да 2023 йилда 6,4 миллион ёшлар мусобақаларда иштирок этган бўлса, 2024 йилда улар сони 10 миллиондан ошди. Мусобақалар қаромовини янада кенгайтириш, уларнинг турли йўналишларини ривожлантириш ҳамда ёшларнинг спорт ва интеллектуал соҳаларда муваффақият қозонишига учун кенг имкониятлар яратиш устида ишлар қизғин паллада. Жорий 2025 йилда иштирокчиларнинг сонини 12,5 миллиондан ошириш мақсад қилинган. Ушбу натижалар ёшларнинг “Беш ташаббус олимпиадаси”га қизиқишини ортб бораётганини аққол исботи, десак адашмаймиз.

Демак, “Беш ташаббус олимпиадаси”нинг 2025 йилги мавсумида маданият-санъат йўналишида 2 та, спорт йўналишида 14 та, IT йўналишида 1 та, китобхонлик ва интеллектуал йўналишида 2 та, касб-хўна йўналишида 5 та танлов ва мусобақалар ташкил этилади. Ёшлардан эса талаб этиладиган ягона нараса — бу мусобақаларда фаол қатнашиш ҳамда жисмоний ва интеллектуал салоҳиятини оширишдир.